

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Эл-юртни, унинг қувончу шодликларини, орау-умидларини алқамаган шоир, тараннум этмаган санъаткор йўқ. Юракка ҳаяжон соладиган, унинг минг бир нозик торларини чертадиган, кўнгида муҳаббат ва садоқат туйғуларини жўш урдирадиган ҳам Она диёр маҳдидир.

Бир неча йилдирки, ҳаваскор ёшлар ва санъат усталари ўртасида энг улуг, энг азиз байрам – Истиклолимиз шодиёналарини арафасида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" шиори остида кўшиқлар танлови ўтказиб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Мазкур ўзига хос санъат байрами ёш истеъоддорларни кашф этиш, уларни элга танитиш баробарида қалбларга оламоллик завқ, фахр-ифтихор, садоқатли кунлар сурурини солмоқда.

Куни кеча Олмалик шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида танловнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги республика босқичи ўтказилди. Мамакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ташкил

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, бастакор Мусахон Нурматов. – Ватан меҳри, эл-юрт ишқи уларнинг беғубор дилларига эър илҳом, ижод завқини солгани шундоқкина билиниб турибди. Шу билан бирга мазкур танлов ёшларимизнинг маънавий камолоти йўлида беқиёс ўрин тутаётганидан қувондик. Яна бир катта ютуқ шундаки, ёш хонандаларимизда йилдан йилга излашни, ўз устида ишлаш, тиришқоқлик, энг муҳими, Ватан ҳақида куйлаётганда сўз ва ижро масъулиятига риоя қилишга интилиш кучайиб борапти.

Дарҳақиқат, саҳнада янграган тароналарнинг аксарияти Она юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан



Барҳайот анъаналар. Ягонасан, муқаддас Ватан! Республика раёсат танлови

2014 йил – Соғлом бола йили

МЕҲР БЕРГАН – МЕҲР КЎРАДИ

Яқинда кичик бир телетомоша гувоҳи бўлдим: тadbirkor ота ишдан ярим тунда қайтиб, овқатланиб ўтирибди. Дамба-дам аллақимларга кўнгирақ қилади. Жавоб бўлмагач, асабийлашиб гудранади. Бу орада иш дафтари очиб, ундан нималарнидир излайди. Шу аснода ёнига келиб турган ўғилчасига кўзи тушди. "Ҳа, ухламадингми, кел, ўтир", дейди ота. Лекин уни унутиб, телефон билан овора бўлади. Жавоб бўлмагач, тўнгилайди. Яна ўғлига кўзи тушади. "Бориб ухласангчи, ё гапинг борми менда?" дейди. Уғли ҳамон тик турганча, унинг телефондан бўшагини кутади ва охири сабри тугаб: "Дадажон, бир кунда қанча пул топасиз?" дейди. Ота аввал ажабланади. Кейин хотинини қақриб: "Бунинг нима деяпти, ё сен ўргатдингми", дейди. Хотини елка қисади. Ота

ўғлининг жиддий қараб турганини кўриб: "Эллик минг топаман, нимаиди", дейди. Болакай бир зум ўйланади: "Менга ўттиз минг беринг", дейди. Ота ўғлини жеркиб ташлайди. Бола хафа бўлиб, ётоғига қириб кетади. Хийла фурсат ўтиб, ота орқасидан қиради-да, сўраган пулини беради. Болакай қувониб, ёстиги тагидан йиғиб юрган пулларини олади-да, иккисини қўшиб, отасига узатади: "Дадажон, мана эллик минг сўм. Энди эртага ишга бормасангиз ҳам бўлади. Икковимиз роса гаплашамиз, бирга ўйнаймиз, хўпми? Ўйнайсизми, дадажон? Сизни росаям соғинганман...", дейди. Ота нима деярини билмай қолади-да, кейин кулимсираб, ўғлини бағрига босади: "Бўпти, ўғлим, бўпти. Бормаганим бўлсин", дейди хижолатпазлик билан...

(Давоми 2-бетда).

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН

Бу йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтади. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 150 нафар депутат сайланади. Уларнинг 15 нафари Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланишини инобатга оладиган бўлсак, 135 нафар депутатликка номзодлар айнан сиёсий партиялардан кўрсатилади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига кўра депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга. Олий

Мажлис Қонунчилик палатасига сиёсий партиялар 135 нафар ўз аъзолари ёки партиясизларни депутатликка номзод сифатида кўрсатиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАННИ МАДҲ ЭТМОҚ ОЛИЙ САОДАТ

Этилган куй ва наво кечасида юртимизнинг турли хуудларидан келган умидли ёш ижрочилари Она дёригимиз ва халқимизнинг бахту саодати, истиқлолни мустақамлаш йўлидаги шарафли меҳнатлари куйланган кўшиқлари билан иштирок этишди.

– Очиги, ёшларнинг санъатсеварлиги, истеъоддини кўриб, тўлқинланиб кетдим, – дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси,

йўғрилган, мазмунан тирак, бадий хижатдан пухта ижод намуналари сифатида ўзининг муносиб эътирофини топди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра танлов ғолиблиги Тошкент шаҳридаги Успенский номи академик лицей ўқувчиси Муштарий Олимжоновга насиб этди. Қолган совринли ўринларга қорақалпоғистонлик ва фарғоналик иқтидор эгалари мушарраф бўлишди.

Ватан мадҳига бағишланган санъат байрами шу куннинг ўзида республика касб-хунар коллежлари ижодкор жамоаларининг "Барҳаёт анъаналар" кўрик-танловига улашиб кетди. Ҳуқуқи-ёшларда она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, уларда миллий ўрф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиздан гурурланиш ҳиссини қарор топтириш, ажодларимиздан

қолган бебаҳо маданий меросни, тарихий асори-атиқаларимизни асраб-авайлаш, жойларда фаолият юритаётган ҳаваскор гуруҳлар, фольклор-этнографик дастлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган танлов мазмунан хилма-хил ва бетакрор чиқишларга бой бўлди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ўрта-маҳсус таълим муассасаларидан келган 250 дан ортиқ

ёшлардан иборат ижодий жамоалар иқтидор ва маҳоратларини намойиш этишди. Самарқанд вилояти жамоаси тайёрлаган бадий-мусликий дастур, саҳна безаклари ва иштирокчиларнинг миллий либослари барчага манзур бўлди ҳамда улар танловнинг мутлақ ғолиблигини қўлга киритишди. Вилоятимиз вакиллари эса танловнинг фахрли учинчи

поғонасини эгаллашди. Ҳар иккала танловнинг ғолиби ва совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг махсус дипломи, фахрий ёрлик ва ёсдалик совғалари топширилди. СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Мамакат Президентининг Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар Дастури"нинг 33-бандида ёшларнинг ижодий ва интеллекту-

ал салоҳиятини рўйбга чиқариш, маданият ва санъатга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 15-25 ёшдаги иқтидорли ёшларнинг "Юрт келажаги" республика кўрик-танловини ташкил этиш белгиланган.

ЮРТ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Куни кеча вилоят маънавият ва маърифат марказида мазкур танловнинг вилоят босқичи ўтказилди. Унда вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлик қилди.

"Юрт келажаги" танлови мамакатимиздаги минглаб йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, чекка хуудлардаги иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни муносиб рағбатлантириш ва кўмак беришга қаратилган. Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 4 мингдан зиёд ёшлар иштирок



Юрт келажаги танлови мамакатимиздаги минглаб йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, чекка хуудлардаги иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни муносиб рағбатлантириш ва кўмак беришга қаратилган.

этишди. Вилоят беллашувига эса, 350 иқтидор эгалари "Архитектура ва дизайн", либослар дизайни, "Ахборот тех-

нологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар", "Анъанавий ва амалий

(Давоми 2-бетда).

Орамиздаги одамлар

КАСБИГА ФИДОЙИ ИНСОН

Инсон умрининг мазмунини севган касби, хушхулқли фарзандлари, қўллаб-қувватлари ва эзгу фазилатлари беазиди. "Оҳангаронцемент" корхонаси цемент ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари Муҳиддин Мирзаев ҳам шундай бахтга сазовор бўлган юртдошларимиздан.



Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ДОИМО ҲИМОЯДА

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси билан ҳамкорликда Қибрай туманидаги "Умид Гулшани" ҳамда "Бўстон" сихатгоҳида молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга фуқароларнинг мурожаатларига эътиборни қаратишга бағишланган тадбир этилди.

Иштирокчилар сўхбат давомида ташкилотга тушаётган мурожаатлар ва уларнинг ечими ҳақида, суғурта, банк, ломбард, риелторлик баҳолаш, лотерея хизматлари буйича қизиқарли маълумотларга эга бўлишди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

Пилла – 2014

Бу йил вилоят пилла хирмониға пискентликлар муносиб ҳисса қўшишди. "Пискент бош пилласи" масъулияти чекланган жамияти 140

тонна ҳосил йиғиштириш учун 212 та фермер хўжалиғи билан шартнома тузиб, 2400 қути ипак курти тарқатди.

ҲОСИЛ ЧЎҒИ БАЛАНД

– 800 дан зиёд ишчининг ҳар бирига раҳмат айтсак арзийди, – деди жамият раҳбари Туроб Беков. – Улар масъулият ва ишончни бирдек ҳис қилишгани учун қисқа муддатда режа-топшириқни уддаладик.

"Нурсултон Нуркамон" фермер хўжалиғи раҳбари Ширин Фозилова пилла етиштиришда

пешқадамлардан. Бу йил 9 кутидан 588 килограмм пилла топширди. Феруза ТЎРАЕВА.

СУРАТДА: (чапдан) "Пискент бош пилласи" масъулияти чекланган жамияти ходими Тўлқин Ҳасанов, раҳбар Туроб Беков ва лаборатория ходими Гулсара Дадаева пиллани қуритиш цехида.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Яна тўловлар ҳақида

БИРНИКИ ТУМАНГА ТАТИЯПТИ

Аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашдаги муаммоларга қамқаймапти. Чунки қарздорлик катта. "Тома-тома кўл бўлур", деганларидек, коммунал хизматлар ҳақи вақтида тўланмаса, қарздорлик "болалаб" кетаверади.

"Тошкент электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти раҳбари ўринбосари Даврон Мўминовнинг айтишича, айрим фуқаролар юқори лавозимларда ишлашсада, фойдаланишган электр ҳақини тўлашга бепанасид қарашмоқда.

"Тошкент электр тармоқлари" ҳамда туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари истеъмолчи-

ларга узлуксиз электр энергияси етказиб бериш ва улардан маблағларни ундиришга ҳаракат қилапти. Шунга қарамай, баъзи мансабдор шахслар қарзларини ўз вақтида тўламай, устига-устак электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишмоқда.

Чунончи, Қуйи Чирчиқ тумани Дўстобод шаҳар-

часилик "Жасурбек Биг Стар" хусусий корхонаси раҳбари Ш. Искандаровнинг фойдаланилган электр энергиясидан 135 минг сўм, "Бурч" фермер хўжалиғи раҳбари Г. Маждивнинг 188 минг сўм қарзи бор. "Ангрэн Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси бош энергетиги В. Орловнинг электрдан қарзи 334 минг сўмга, Чиноз туманидаги "Турсуной ая" фермер хўжалиғи раҳбари А. Ақромовники 520 минг сўмга, Олмазор қўрғониди 5-мактаб ўқитувчиси

Н. Аҳмедованики 525 минг сўмга етган. Янги бозорлик М. Юсупов туман ветеринария хизмати раҳбари. Лекин хондонда фойдаланилган электр ҳақини тўлашни хаёлига келтирмайди. Натихада унинг қарзи 370 минг сўмдан ошди. "Инвестшараф" фермер хўжалиғи бошлиғи З. Олимбоев эса қарздор сифатида "рекорд" ўрнатди, десак янглишмаган бўламиз. Унинг қарзи 1 миллион 355 минг сўм! "Болта"



маҳалласида яшовчи "Савлет" фермер хўжалиғи раҳбари М. Ҳақимов 1 миллион 138 минг сўм қарз билан унга етиб олишга ҳаракат қилапти. Хурида НАЗАРОВА.



Болалар ёзи – 2014

«НИҲОЛ»ДА ЎН ИККИ КУН

Шу кунларда Бўстонлик туманидаги оромгоҳларда узоқ-яқиндан келган болажонлар мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Вилоят касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига қарашли Юсуфхона қишлоғидаги "Ниҳол" оромгоҳида ҳам 150 нафар ўғил-қиз дам олмоқда.



Оромгоҳ 5-6 мавсум фаолият кўрсатмай, ташландиқ ҳолга келиб қолган. Бу ер карвонсарой эмас, ҳар ким келиб кетадиган тартиб-қоида бор. Хўш, фамилиянгиз? Айтдик. Идорангизнинг тўлиқ номи? Бунисини ҳам айтдик. Қоровул каттақон журналга эринмай бир нималарни қайд этди. Ёзувиги ўзи-май иложимиз қолмади. Қоровул амаки диққат билан тинглади-да: Бу бўлмайдиган иш-ов, - деди кутилмаганда. - Лимит йўқ. Техникалар эски. Яқинда шу масалада йиғилишадимиз гап бўлди. Юқоридан ҳам келиб-ке-тишди... Ана холос! Бунисига нима дейсиз? - Ҳўп, майли. Бошлиққа бирров кирсак бўладими энди? - Норбек Бўтаевич йўқлар-ку... - Э, шуни боя айтмай-сизми, одамни хуноб қилмай. Уринбосарлари Зухра Аммирова... Гапимиз оғзимизда қолди. - У киши командировкада. Самарқанддан Бухорога, ундан тўғри Қашқадарёга ўтадилар. Охирида Урганчда бир кеча қолиб, ўша ердан тўғри Тошкентга учидилар. Бирор ҳафта бўлмай-дилар, ҳали... - Ерданчиларини мумкин-дир... - Оташми? Оташ комиссия билан юрибди. Ҳойна-ҳой уларни ҳозир тушликка олиб чиқиб кетган. "Чақар"ни лағмонига. Хуллас, келаси ҳафта келинг ука, келаси ҳафта... Ноилоҳ орқага қайтдик. Эрта ўтса, олинди байрам. У ёғи дам олдиги кунига уланади. Энди душанбани куттиш керак. Ҳафсаламиз пир бўлди. Йўлда ноилоҳ кетарканмиз, кўнглимиздан бир гап ўтди: Келаси сафар келганда бошлиқ-пошлиқи сўраб ўтирмай, шу қоровулнинг ўзига учраб қўя қолсак-чи... Шерзод МАҲМУДОВ.



Даврон АХМАД олган суратлар.

Спорт хабарлари

ТЕННИС. Мамлакатимизнинг биринчи ракамли теннисчиси Денис Истомин Британиянинг Истбурн шаҳрида ўтказилаётган "АТР Aegon International" аънавий халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этмоқда. Мусобақанинг аяқалиқ баҳсида ҳамюртимиз испаниялик Гильермо Гарсия-Лопесни 6:2, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўлланма олди. Энди у яқин финал йўлланмаси учун франциялик Эдуар Роже-Васслен билан куч синашади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Тунисда енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилаётган Гран-при турнирида уч нафар спортчимиз совриндорлар қаторидан жой олди. Мавлонбек Хайдаров мусобақанинг ядро улоқтириш баҳсида 12,55 метр натижа кўрсатиб, кумуш медални қўлга киритди. Маъруфжон Муродуллоев 400 метрга югуришда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Абдуғаффор Абдуллаев найза улоқтиришда 41,91 метр натижа қайд этди, бронза медал билан тақдирланди.

Ў.А.



ФОЖИАГА АЙЛАНГАН ТОМОША Перудани қишлоқлардан бирида корридо (бука билан олишув) давом этаётган пайтда жазавига тушган ҳайвон махсус тўсиқни бузиб ўтиб, томошабинлар тўдаси сари йўл олди. Кўзи қонга тўлган ҳайвон камиди 10 кишига тур-ли даражада тан жароҳати етказди. Гап шундаки,

спиртли ичимлик ичиб олган бир маст киши буқа боғлаб қўйилган арқонни ечиб юборди. Албатта, фожиага сабаб бўлган бу ароқхўр ўз ҳамқишлоқлари томонидан яхшигина жазоланди.

АЙБДОР ТОПИЛДИ

Туркиянинг собиқ президенти, 96 ёшли Кенан Эрврен ва 88 ёшли ҳарбий ҳаво кучлари собиқ кўмондони Таҳсин Шахинжа умрининг охиригича камок жазоси олишди.

Маълумки, 1980 йилда мамлакатда давлат тўнтаришига уриниш юз берган эди. Ушунда собиқ президент ҳамда кўмондоннинг бу ишда қўли борлиги ҳақида сўз юритилган. Анкара суди ҳақиқатан ҳам бу икки шахсни "давлат ҳокимиятига қарши жиноят" содир этишда айбдор, деб топди.

ЖАНГАРИЛАР ИШЧИЛАРНИ ЎҒИРЛАБ КЕТИШДИ

"Ироқ ва Леванта ислом давлати" гуруҳи жангарилари 40 нафар хинд курувчиларини ўғирлаб кетишди.

Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди ҳисобга олинганларни кутқариш учун барча зарур чораларни кўришни талаб қилди. Ҳиндистоннинг Боғдоддаги собиқ элчиси Суреш Редди шошилинч Ироққа жўнаб кетди. У кутқарув операцияларини мувофиқлаштириб туради. Маълумотларга қараганда, ҳозир исломий жангарилар қўлида хинд фуқароларидан ташқари Туркия, Туркменистон, Покистон,

Бангладеш ва Непал мамлакатларидан 60 га яқин киши бор. Бугунги кунда жангарилар Ироқнинг шимоли-ғарб қисми, шу жумладан муҳим аҳамиятга эга Мосул ва Тикрит шаҳарларини, шунингдек, айрим вилоятлардаги аҳоли истико-мажбурий жўнаб кетди. Ушундан тўла ўз назоратларига олишган. Айни пайтда Бағдодга элтувчи йўл бўйидаги Самарра шаҳри яқинида жанглр давом эта-пти.

УЧ ШТАТДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ

Нигериядаги Даматуру шаҳрида Бразилияда ўтаётган футбол учрашувларини оммавий намойиш этиш марказида кучли портлаш юз берди.

Марказга кўпчилик йиғилган пайтда террорчи такси машинасида яқин келиб, портловчи юз берган ишга солган. Ироқда ҳам фавақулда ҳолат жорий этилди. Ҳукуматнинг футбол бўйича Жаҳон чемпионати уйинларини оммавий намойиш этиш жойларига боришдан сақланиши тўғрисидаги муражатларига ишқибозлар ҳамон жиддий эътибор бериш-маяпти.

СУВ БАЛОСИ ҚУРБОНЛАРИ

Малайзиянинг ғарбда Бортида 97 нафар Индонезия фуқароси бўлган йўловчи кема сувга ғарқ бўлди.

Айни пайтда йўловчиларнинг 67 нафари бедарак йўқолганлар рўйхати киритилгани ҳақида Малайзия киргоқ муҳофазаси хизмати хабар тарқатди. Кеманинг ҳалокати хусусида турли таҳминлар бор. Шулардан бири кемадаги йўловчиларнинг аксарияти, асосан аёллар ва бола-лар давлат чегарасини хуфиёна кесиб ўтиш ниятида бўлганлар. Малайзия ҳукумати кидирув ишлари бўлаётган ҳудудга кема-лар юбормоқда.

ҲУКУМАТНИ АЛМАШТИРИШ ҲАҚИДА ҚОНУН

Испания сенати (парламентнинг юқори палатаси) мамлакат қироли Хуан Карлоснинг "воз кечиш" хусусидаги қонуни учун овоз берди.

да оммавий норозилик акциялари уюштирилиб, унда асосан монархиянинг келажиги хусусида референдум ўтказиш талаб қилинмоқда. Хуан Карлос 2 июнь кун Испания қироли тахтидан воз кечиш, ҳокимиятни ўз Итернет хабарлари асосида тайёрланди.

ўлғай топиришини баён этди. Эртасига эса ҳукумат ҳокимиятни алмаштириш имконини берувчи қонуни ишлаб чиқди. Парламентнинг қуйи палатаси кўпчи-лик овоз билан ушбу қонун-ни маъқуллади.

«ОВЧИ»ЛАР ТЎДАСИ

ундаги 4 миллион 700 минг сўмни "уриб кетишди".

"Ов"лари бароридан келаятгани ўриларини иш-тахасини очиб юборди, йиғитлар босар-тусарларини унуттишди. Навбатдаги ўтиришлардан бирида эски танишлари яқинда Хожи Гасанов деган одам КамАЗ автомашинасини сотганини гапириб қолди. Жиноятчилар дарҳол қария Гасановдан ўша пуллари тортди олиш режасини тузишди. Чўзиб ўтирмай, эртасигаёқ уни амалга оширишга киришишди. Йиғитлар Гасановни алдаб, эшикни очдиришди ва ичкарига бостириб киришди. Кўрқиб кетган Гасанов ўйда пул йўқлигини айтиб, "Бор маблагини бизнесга ишлатиб юбордим", деди. Бирок, ўз кучларига ишон-ган ва қон исини олиб улгурган қароқчилар гап қон қиладиган ҳолатда эмасдилар. Қолаверса, ўз босқинчиликларига гувоҳ бўлишини ҳам хоҳлашмас-ди. Дрожкин целлофан

пакет ва скотчдан фойдаланиб, хонадон соҳибини бўға бошлади. Гасанов нафас олмай қўйганига ишонч ҳосил қилгач, пул қидиришди. Чиндан ҳам пул топилмади. Лекин, "қуруқ" кетишга ўрганма-ган қароқчилар икки шиша спиртли ичимлик билан компьютер техникасини, шунингдек, Гасановга тегишли "Нексиа" автома-шинасини ўриб кетиш-ди. Машинанинг юқонаси-дан 200 минг сўм пул ҳам топилди.

"Ов" у даражада "лаққа" бўлмагани жиноятчиларни қаноатлантирмади. Шунда Исламбек Абдувалиев пен-сионер Валентина Втори-на хонадонини "босиш"ни таклиф қилиб қолди. Бу фойда қўлган тўда аъзо-ларига ёқиб тушди. Улар кампирнинг кулбасига бо-стириб кириб, уни ҳам Га-санов сингари уриб-тепки-лаб, сўнгга бўғиб ўлдир-ишди. Уйни ағдар-тўнтар қилиб, 2600 АҚШ доллар ва 7 минг Россия рублини қўлга киритишди.

Шундан кейин уюшган жиноятчилар "Олмалик КМК" ОАЖнинг "Калмақ-қир" кон бошқармаси ҳудудига танда қўйиб қолиш-ди. Улар қонга икки марта ўғирликка тушишди. Даст-лаб 80, кейинги гал 100 метр мис сими ўриб кетишди.

Бу жиноий тўда гиёҳ-ванд моддалар савдоси билан ҳам шуғулланар экан. Улар вошатачилар орқали Тожикистондан гиёҳ-ванд моддаларни олиб туришаркан. Ҳуқуқ-тарти-бот идораларининг зийрак ходимлари бу тўданинг жиноятларига чек қўйиш-ди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг қарори билан тўда аъзо-ларининг ҳар бири узоқ муддатга озодликдан маҳ-рум қилинди. Яъни, инсон-ийлик қиёфасини йўқот-ган бу газандаларга "Те-киндан топган тешиб чи-қишини" яхшилаб ўқи-б олишлари учун етарли му-дат берилди.

Жумабой КўЧҚОРОВ.

Шанба фельетони

Баъзи одамлар мансаб учун туғилди, деган гапни эшитганмисиз? Тақдирнинг гирромлигини кўрингки, шундайларнинг кўпи ҳаётда мансаб курсисига яқин йўломай ўтиб кетади. Яна бир тоифа борки, уларга филдек лавозим берилса, ўзини ҳам, лавозим жониворни ҳам, юмшоқ қилиб айтганда, "харом ўлдирди". Аксинча, жиччагина амалга мин-са, ўзини нақ амир Олим-хоннинг тахтида кўради-ганлар ҳам йўқ эмас.

Сўраш йўқ, истах йўқ... Андак хижолат бўлиб, мақсадни тушунтирдик: - Уэр-а, бизга Норбек Бўтаевич керак эдилар... Қоровул амаки қўлини сочқикка артиб, жойига ўтирди. Ҳафсала билан кўзойнагини филофидан чиқариб, ойнасига оҳиста қўфлади. Бурнининг учига кўндириб, бўйинни чўзди. - А, лаббай? Эшитмадимми, ё атайин қайта сўраяптими, ҳар кирсак майлими? - Тавба, ҳаммининг иши тигиз. Бу ер карвонсарой эмас, ҳар ким келиб кетадиган тартиб-қоида бор. Хўш, фамилиянгиз? Айтдик. - Идорангизнинг тўлиқ номи? Бунисини ҳам айтдик. Қоровул каттақон журналга эринмай бир нималарни қайд этди. Ёзувиги ўзи-май иложимиз қолмади. Қоровул амаки диққат билан тинглади-да: Бу бўлмайдиган иш-ов, - деди кутилмаганда. - Лимит йўқ. Техникалар эски. Яқинда шу масалада йиғилишадимиз гап бўлди. Юқоридан ҳам келиб-ке-тишди... Ана холос! Бунисига нима дейсиз? - Ҳўп, майли. Бошлиққа бирров кирсак бўладими энди? - Норбек Бўтаевич йўқлар-ку... - Э, шуни боя айтмай-сизми, одамни хуноб қилмай. Уринбосарлари Зухра Аммирова... Гапимиз оғзимизда қолди. - У киши командировкада. Самарқанддан Бухорога, ундан тўғри Қашқадарёга ўтадилар. Охирида Урганчда бир кеча қолиб, ўша ердан тўғри Тошкентга учидилар. Бирор ҳафта бўлмай-дилар, ҳали... - Ерданчиларини мумкин-дир... - Оташми? Оташ комиссия билан юрибди. Ҳойна-ҳой уларни ҳозир тушликка олиб чиқиб кетган. "Чақар"ни лағмонига. Хуллас, келаси ҳафта келинг ука, келаси ҳафта... Ноилоҳ орқага қайтдик. Эрта ўтса, олинди байрам. У ёғи дам олдиги кунига уланади. Энди душанбани куттиш керак. Ҳафсаламиз пир бўлди. Йўлда ноилоҳ кетарканмиз, кўнглимиздан бир гап ўтди: Келаси сафар келганда бошлиқ-пошлиқи сўраб ўтирмай, шу қоровулнинг ўзига учраб қўя қолсак-чи... Шерзод МАҲМУДОВ.

БОШЛИҚ ЎРНИДА... ҚОРОВУЛ



қалай, қоровулнинг ўзини тутиши нихоятда малол келди. - Норбек аканинг олди-ларига келувдиз. Мумкин-ми? - Норбек Бўтаевич то-ғангизми, ё поччангиз? - Тушунмадик... - У киши бирор қарин-дошингизми, дейман? "Йўқ" деб имо қилдик. - Нега унда исм-шариф-ларини тўлиқ айтмайсиз, нукул ака дейсиз? Бунисига ростмана энса-миз қотди. Тилимиз қичи-ди-ю, ўзимизни тийдик. Отанг қатори одамга тенг келиб, ади-бади айтишдан-нам хунуги борми? - Биласизми, фалон идораданмиз, муҳим иш билан келувдик. Ичкари

дан бўлак ҳеч ким тушун-маса керак. Дўхтирлар ёза-диган рецепт унинг олди-да хаттотнинг хатидек бе-жирим. Энди бўлганда, деб норози қараб эдик, амаки пинагини бўзмай, бамайлихотир сўради: - Нима юмуш билан кел-лаётувдизми? - Шунисини ҳам ай-тишимиз шартми? - бироз зарда билан тўнгилладик. - Ашнақа демасинлар-да, энди! - амаки қўлида-ги ручкани жаҳл билан дафтарга ташлади. - Дав-латни иши майнавозчилик-ми сизларга! Биз били-шимиз керак, ахир, аков-си. Бу ерда Ойхоннинг пашшасини кўриб ўтирга-нимиз йўқ. Ташриф боисини айт-

Рассом хандаси



Бу – қизиқ

ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИНИНГ ЧОРАК ҚИСМИ СМАРТФОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНМОҚДА

Аҳоли ўртасида смартфонлардан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бораёпти. Жорий йил охирига бориб, улар сони қарийб 1,76 миллиард кишига етиши кутилмоқда. Бу бутун дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Технологиялар яна шуни кўрсатмоқдаки, 2017 йилда сайёраимиз одамларининг ундан бир қисмидан кўпроги смартфонлардан доимий фойдаланиш имконига эга бўлади. Уларнинг ярмидан кўпи, яъни 951 миллион нафарни Осиё-Тинч океани минтақасига тўғри келади. Ҳозирги кунда дунёда смартфонлардан фой-

даланувчилар сони кўпчилиги жихатидан Хитой пешқадамлик қилмоқда. Айни пайтда 521,7 миллион хитойликларнинг ўз смартфонни бор. 2018 йилга бориб Чин юрти аҳолисининг ярми смартфонлардан доимий равишда фойдаланиш-чи кутилмоқда. АҚШ аҳолисининг ярмида, анқироқ айтган-да, салкам 164 миллион америкаликларда смарт-фон мавжуд. Смартфонлар бозори бўйича АҚШ Хитойдан кейинги ўринда турибди, 2018 йилга бориб иккинчи ўринни Ҳиндистон эгаллаши мумкин. "Туркистон-пресс".

Жиноятга жазо муқаррар

Тайинли иш, мўмай даромад, оила фаровонли-ги, меҳнат жамоаси ва маҳалла-қўйдаги обрў-эътибор – булар ҳар бир инсоннинг мақсади. Ай-ниқса, катта ҳаёт йўлига эндигина қадам қўйган ёшлар учун бир умрлик орау. Кучинг, иқтидоринг-ни сарфлаб меҳнат қил, мансаб погоналаридан кўтарилишга интил – бахтли ҳаёт сенга бағрини қанчалик кенг очшини кўраверасан!

Олмаликлик Никита Чаев, Константин Дрожкин, Исламбек Абдувалиев, Александр Колчугин ва Россия Федерацияси фуқароси Андрей Березкин эса мутлақо тескари – енгил-елпи пул топиш, қонунбузарлик йўлини тан-лашди. Бу жиноятчилар-нинг энг кичиги Исламбек энди 24 ёшга кирганди. Хийла тахрибали "устоз-лар" йўриғидан чиқмовчи бу уюшган тўда аъзолари ўз олдиларига аниқ мақ-сад – қандай бўлмасин тетроқ жарак-жарак пул топиш вазифасини кў-йишди. Улар дастлабки "иш-лари"ни Олмалик қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжа-лик касб-хунара коллежи-дан қимматбаҳо асбоб-ус-куналарни ўғирлашдан

бошлашди. Ими-жимиди "гумдон" қилинган бу ус-куналар мўмай даромад келтирди. Ҳамтовроқлар пулни бўлиб олиб, обдон кайфу сафо қилишди. Лекин, осон келган пуллари тезда совурган йиғитлар-нинг қўли куп-қуруқ бўлиб қолди. Нима қилиш керак? "Уйчи уйлағунча тавак-калчи "иш"ни бошлабди" деганларидек, бешовлон Александр Колчугин билан Никита Чаевнинг такли-фига кўра яна ўша кол-лежни нишонга олишди. Бу сафар коллеж жамоа-сига маош бериладиган кунни пойлаб, "ов"га чи-қишди. Ҳаммаёқнинг тун қоронғулиги қолган пай-тда, махсус асбобларни моҳирона ишлатиб, хи-собхона ашигини бузиш-ди. Темир сандиқни очиб,

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабутовчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДЎЖАЕВ